



Халқаро конференциянинг бош мавзуси:  
«КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ  
ЎЗБЕКИСТОНГА ХОС ТАЖРИБАСИ»

Келгуси сонларда ўқинг

Бахтиёр МЕНШЕВ

Адабий тилнинг  
ғайриилмий қоидалари

Келгуси сонларда ўқинг

# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 12 апрель • пайшанба • № 43 (4016)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА СОДДАЛАШТИРИШ, ШУНИНГДЕК, БИЗНЕС ЮРИТИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ республикада давлатнинг иктисодиётдаги иштирокини камайтириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг устуворлигини янада кучайтириш, бизнес ташаббуслар, стартапларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс институционал ва таркибий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қабул қилинаётган чоралар самардорлиги ва натижаларини таъминлашга қаратилган комплекс ислохотлар ва реинжининг агентликларининг ижобий баҳоларида ҳолисона ақс эттирилмоқда. Жаҳон банкнинг «Бизнесни юритиш — 2018» ҳисоботида Ўзбекистон тадбиркорлик

учун янада қулай шароитлар яратиш бўйича ислохотчи давлатлар қаторида жаҳонда биринчи ўнликка кирди.

Шу билан бирга, бир қатор йўналишларда тадбиркорлик соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг бюрократлашган методлари хали ҳам сақланиб қолмоқда, бу эса, ўз навбатида, маҳаллий бизнеснинг рақобатдошлигини жадал ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитига янги технологиялар ва инновацияларни татбиқ қилиш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишонччи мустаҳкамлашга тўқнашмоқда.

Хусусан: **биринчидан**, тадбиркорлик фаолияти соҳасида замонавий талабларга жавоб бермайдиган, умрини ўтаб бўлган кўп миқдордаги лицензиялаш ва рух-

сат бериш тартиб-таомиллари сақланиб қолмоқда;

**иккинчидан**, бизнес жараёнларини бошқаришнинг бозор механизмлари жуда секинлик билан татбиқ этилмоқда, шу жумладан, тартибга солиш функциялари ҳаддан ташқари марказлашган, ўзини ўзи тартибга солиш ва жамоатчилик назорати механизмлари суёт даражада қолмоқда;

**учинчидан**, тадбиркорлар ханузгача айрим ваколатли органлар томонидан лицензия ва рухсатнома бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштиришда маъмурий тартиб-таомилларнинг қўзғилиш ҳолатлари билан тўқнашмоқда;

**тўртинчидан**, ваколатли давлат органлари ўртасида лицензия ва рухсат бериш хусусиятидаги ҳужжатларни тубдан қисқартириш, маъмурий тартиб-таомил-

ларни янада соддалаштириш ва очиклик даражасини оширишга қаратилган ўзаро ҳамкорлик зарур даражада олиб борилмаётган.

Бизнесни юритишдаги ортикча бюрократик жараёнларни тубдан қисқартириш, хусусий мулкнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг бозор ҳамда ҳуқуқий механизмларини мунтазам равишда изчил мустаҳкамлаб бориш, республикада инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган кучларни жамлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион

гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сонли Фармонида мувофиқ:

1. Қуйидагилар тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари бора-сида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишининг соддалаштирилган механизмларини белгилаш, шаффофликни таъминлаш, бизнес билан ўзаро муносабатларда ҳуқуқий аниқликни мустаҳкамлаш ва давлат органлари томонидан асоссиз маъмурий назоратни бекор қилиш орқали лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги қонунчиликни жадал такомиллаштириш;

2»

### КУН НАФАСИ

12 апрель куни «Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори эълон қилинди. Унда аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатдан янги босқичга жадаллик билан ўтишини таъминлаш мақсадида давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги вазирлик ва идораларнинг биринчи даражали вазифалари белгилаб берилган.

\*\*\*

11 апрелдан «Тошкент — Олмаота — Тошкент» йўналишида илк йўловчи ташувчи автобус қатнови йўлга қўйилди. Аввал хабар қилинганидек, муқаддам «Тошкент — Чимкент» йўналишида автобуслар юра бошлаган эди. Йўловчиларга барча шароитларга эга бўлган замонавий «Ютонг» автобуслари хизмат қилади.

\*\*\*

9 апрель куни Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида анъанавий «Annual Investment Meeting» (AIM) халқаро инвестициявий форуми доирасида «AIM 2018 Investment awards» мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

«2017 йилда Марказий Осиё, Кавказ ва Россия минтақасидаги энг яхши инвестицион лойиҳа» номинациясида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси гўлибликни қўлга киритди.

\*\*\*

Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 16 апрелидан бошлаб, мулкдорларнинг мурожаати асосан квартиралар техник инвентаризациядан ва ҳуқуқ тури давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг, кадастр йиғмажидли ҳамда «Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома» ўрнига хонадоннинг кадастр паспорти берилди.

Интернет нашрлари хабарлари асосида тайёрланди.

## ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК фаолиятимиз асосидир

Одамлар орасида бўлиш, уларнинг дардини эшитиш, оғирини енгил қилиш ҳар бир раҳбар ва мутасаддининг асосий вазифасидир. Халқ билан бирга бўлиш элнинг кўзи кўраётган камчиликларни осонгина илғашига ёрдам беради, уларни қийнаётган муаммоларни ҳис қилишига тўртки бўлади. Ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш бўйича республика ишчи гуруҳининг Поп туманига ташрифи шу нуқтаи назардан ғоятда самарали бўлди.

Ишчи гуруҳ вакиллари ҳудудда хонадон-хонадон юриб, аҳоли билан бевосита мулоқот қилди. Турли масалаларга доир таклиф ва шикоятлар тингланди. Фаол ташаббуслар умумлаштирилди, муаммоларнинг аксариятига жойининг ўзида ечим топилди. Айрим муаммолар таҳлили эса кишини фикр қилишга, давлат ҳамда жамият олдидаги бурч ва мажбуриятларини янада чуқурроқ ҳис этишга ундагани ҳам айни ҳақиқат.

### БОЙ БЕРИЛГАН ТАШАББУС 300 ТА ИШ ЎРНИНИ ЙЎҚОТДИ

«Нуробод» МФЙ ҳудудидagi ўрганишлар чоғида со-бик Исенлик ишлаб чиқариш корхонасининг қаровсиз-ликдан хароба аҳволга тушиб қолган бино ва иншоотлари мавжудлиги аниқланди. Поп тумани ободонлаштириш бошқармасига қарашли бўлган 10,9 гектар майдондаги бинолар сергайрат, ташаббускор тадбиркорга мушток ту-рибди.

— Ҳозирги кунда 2 нафар тадбиркорга 1,1 гектар ер май-дони ажратиб берилган. 1 гектар 20 сотих ерни «Поп дон маҳсулотлари» корхонаси ижарага олган, — дейди туман ободонлаштириш бошқармаси бош хисобчиси Раҳматжон Ҳолдоров. — Аммо улар ижара тўловларини тўламаётган. Мазкур бинони сақлаш, қўриқлаш харажатлари корхона-миз зиммасида. Амалда бу ердан ҳеч қандай иктисодий да-ромат олинмайди. Шу мақсадда мазкур иншоотларни та-дбиркорларга бериш юзасидан таклифларни ўргандик. Бир неча талабгор келди, ҳужжатлаштириш учун туман ҳоким-лигига юбордик. Шу ер имконияти бор одамга берилса, қан-чадан-қанча киши ишли бўлиши тайин.

2»



Жамида ИНОҚОБИЛОВ олган сурат.

## КИТОБ — ЭЗГУЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ ЭЛЧИСИ

## Сейфдаги ариза иш бермади

...Ҳуқуқшунослар дастлаб муаммони ўзаро кели-шув асосида ҳал этишга ҳаракат қилишди. Маҳалла фуқаролар йиғини раисига қонун талаблари тушун-тирилди. Жумладан, меҳнат шартномасини бекор қи-лиш тўғрисидаги буйруқ Меҳнат Кодексининг 99-мод-дасига зид равишда чиқарилгани билдирилди. Бироқ вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг тақдимномаси рад этилди...

3»



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТ БЕРИШ  
ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА СОДАЛАШТИРИШ,  
ШУНИНГДЕК, БИЗНЕС ЮРИТИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ  
ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасида босқичма-босқич қисқартириш, жамоатчилик назорати, ўзини ўзи тартибга солиш, сертификатлаш, аккредитациялаш, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлиқни сугурталаш, техник тартибга солиш ва бошқа замонавий усуллар орқали тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг муқобил усулларидан кенг фойдаланиш;

давлат бошқаруви жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий қилиш, шу жумладан, лицензиялар ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда идоралараро ҳамкорлик механизмларидан (G2G), шунингдек, «ягона дарча» тамойилдан (G2B), энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг таркибий бўлинмалари орқали кенг фойдаланиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг:

2018 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензияланадиган фаолият ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг айрим турларини, шу жумладан, уларнинг баъзи турларини бириктириш йўли билан 1 ва 2-иловадаги мувофиқ бекор қилиш;

2018 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялар ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларини 3-иловага мувофиқ қисқартириш;

2018 йил 1 июндан бошлаб фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш бўйича функцияларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан тегишли давлат органларига 4-иловадаги рўйхатга мувофиқ ўтказиш;

2018 йил 1 июндан бошлаб лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш функциясини республика давлат бошқарув органларидан уларнинг ҳудудий бошқармаларига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларидан туман (шаҳар) ҳокимликларига 5-иловадаги рўйхатга мувофиқ ўтказиш;

2018 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик фаолияти соҳасида лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирларни 6-иловага мувофиқ амалга ошириш бўйича тақлифлар қабул қилинсин.

3. 2018 йил 1 июндан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ тиббиёт ва фармацевтика фаолияти, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият, кўча радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари ва телерадиозинтиришларни тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш, шунингдек, нефть, газ ва газ конденсатини казиб олиш, қайта ишлаш ва сотишни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиялардан ташқари, фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган барча лицензиялар амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки: лицензияланадиган фаолият тури доирасида бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар)нинг аниқ рўйхати фаолиятнинг тегишли турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомада кўрсатилади; агар лицензияловчи орган лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати давомида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, лицензия даъвогари кўрсатилган

муддат ўтганидан сўнг лицензияловчи органи Ёма равишда хабардор қилган ҳолда аризада кўрсатилган фаолият турини амалга оширишга ҳақлидир. Бунда лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг Ёма хабарномаси олингандан кейин беш иш куни ичида унга лицензия бериши шарт.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда:

лицензияловчи ва бошқа ваколатли органлар билан биргаликда мазкур Фармон талабларини инобатга олган ҳолда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартиби ҳамда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомадан қайтадан кўриб чиқсин;

тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли вазирлик ва идоралар билан биргаликда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомадан қайтадан кўриб чиқсин.

6. Лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли органлар раҳбарлари амалдаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартиби ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомадан қайтадан кўриб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миқдори Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

лицензиялар ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли органлар раҳбарлари амалдаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартиби ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомадан қайтадан кўриб чиқсин.

жизматларни кескин камайтириш ишларини давом эттирсин, бунда зарур ҳужжатлар рўйхатини қисқартириш, маъмурий тартиб-таомилларнинг муддат ва қийматларини мақбуллаштириш орқали маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштиришга ва уларнинг шаффофлик даражасини янада оширишга, манфаатдор максалди аудиторияда сўровлар ўтказиш, бу борадаги илгор хорижий тажрибани танқидий ўрганиш, бизнес ҳамжамияти билан маслаҳатлар ўтказиш ҳамда етакчи халқаро экспертларни жалб қилиш асосида уларнинг рақобат муҳитига таъсирини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентига лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартибинини янада такомиллаштириш бўйича тегишли тақлифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Савдо-саноат палатаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Р.Иноятов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 11 апрель

## КҲН НАФАСИ

ФХДЁ органи эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўриш учун эр-хотиннинг бирга яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини, агар улар бирга яшамаётган бўлса, ҳар бирининг яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини ниҳоқдан ажратиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан 3 кундан кечиктирмай Ёма равишда хабардор қилиши керак.

Жорий йилнинг 6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги Абдулла Арипов томонидан имзоланган қарорда ниҳоқдан ажратиш тўғрисида ариза берган эр-хотин МФЙ ҳузурида ташкил этилган яраштириш комиссиясини бу ҳақда огоҳ қилиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳофазаси порталида Йўл ҳаракати хавфсизлиги концепцияси лойиҳаси муҳофазаси учун жойлаштирилди.

Хусусан, жума кунини «Машинасиз кун» сифатида эълон қилиш тақлиф этилмоқда. Шу куни автотранспорт воситаларидан фойдаланишни камайтириш, соғлом турмуш тарзи (жумладан велосипедда юриш) ва экологик муҳитни сақлаш бўйича тарғиботга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилади.

9 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёев «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини имзолади.

Мазкур Қонун давлат харидлари очиклиги ва шаффофлигини ҳамда бу соҳада тадбиркорларнинг эркин рақобатни таъминлаш бариберида давлат бюджети, марказлаштирилган манбалар ва давлат улушига эга бўлган корхоналар маблағларидан самарали фойдаланишга имкон яратди.

Ўзбекистон шаҳарлари ва аҳоли пунктларида шу йилнинг сўнгига қадар транспорт ҳаракатининг рухсат берилган энг юқори тезлиги 70 дан 60 км/с гача пасайтирилиши мумкин. Бу мамлакатда 2018–2022 йилларда Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясининг жамоатчилик муҳофазаси учун эълон қилинган лойиҳасида кўзда тутилган.

11 апрелда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида навбатдан ташқари йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ташқилий масала кўрилди. Муҳаммад Али Ёзувчилар уюшмаси раиси лавозимидан озод этилди. Унинг ўрнида раиснинг биринчи ўринбосари сифатида фаолият юритиб келаётган Сирожиддин Саййид иш бошлади.

Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимига шоир Минхожиддин Мирзо тайинланди. Шунингдек, уюшма раисининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Икбол Мирзо бошқа ишга ўтгани муносабати билан мазкур вазифа «Ёшлик» журнало бош муҳаррири Нодир Жонузоқ зиммасига юклатилди.

Интернет нашрлари  
хабарлари асосида  
тайёрланди.

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК  
фаолиятимиз асосидир

Ишчи гуруҳ аъзолари масаланинг иккинчи томони ҳам жиддий ёндашишди. Маълум бўлишича, 2017 йилда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, натижада 300 та иш ўрни яратиш мақсадида «Дироза Бохир» хусусий корхонаси томонидан ушбу бинога қизқич билдирилган.

4 та йўналиш — тўқимачилик, ун ишлаб чиқариш, мева-сабзавотларни сақлаш учун музхоналар ҳамда иссиқхоналар ташкил этиш бўйича бизнесни йўлга қўйиш борасида туман ҳокимиятига тақлиф билан чиқдик, — дейди корхона иш юритувчиси Бохир Орипов. — Бироқ туман ҳокимлиги илтифат, илтифатдан пойтахтга жўнаштирди. Пойтахтдан олган жавобимиз эса қонунга мувофиқ бўлди: мазкур биноларни аукционда сотиш ҳам ёки «ноль» қийматида бериш ҳам туман ҳокимлиги ихтиёрида. Бироқ амалда сансаларликдан бошқа ҳеч нарсага эришмадик. Шу сабабли ўзинизга чегарадош Ташкент вилоятининг Ангрэн шаҳрига бўш бино излаб бордик. У ерда бизга бутунлай бошқа муносабатда бўлишди. Бўш бинолар рўйхати тақдим этилди. Улардан бирини танлаб, бугунги кунда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш мақсадида таъмирлаш пилмиш. Таъмирлаш ишларига 1 миллиард сўм атрофида маблағ сарфладик. Бизнес режимида Поп тумани ҳокимлиги иқтисод бўлимига тақдим этганимизда ҳам токи технологияларни келтиришга ҳақдорлар ўз ҳисобимиздан, қолган ишлар банк томонидан берилажак кредит ҳисобига бўлишини маълум қилган эдик. Тез орада ангрэнлик 300 нафар йиғит-қизни иш билан таъминлаймиз. Бу иш ўз туманимизда бўлганида биз учун ҳам фойда, ҳам савоб бўларди. Агар ҳозир ҳам бинони «ноль» қийматида беришса, 200 нафар қизини иш билан таъминлашга мўлжалланган аниқ режими бор.


Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, мазкур вайрона ҳудудга кирсангиз, икки хил манзарадан ҳайратга тушасиз. Бир тарафда абгор ҳолат, иккинчи тарафда дехқонларнинг тошдан ҳам гул ундир олишини кўрсатувчи манзара. Корхона ҳудудидан ажратилган 53 сотихли майдонда 7 та иссиқхона барпо этган Махмудхон Маматхонов доимо ҳаракатда. У 2012 йилда ҳудуднинг тош-шағалли қисмини иссиқхона сифатида фойдаланиш учун олган эди. Бу ерга тупроқ олиб келиб, фойдаланишга яроқли ҳолатга келтириди, қудук қовлатиб, сув чиқарди.

Сувдан оқилона фойдаланиш учун еттига иссиқхонада ҳам томчилаб сугориш тизимини йўлга қўйилган. Битта лимонарий, қолганларида помидор, бодринг, кўкалардан яхши даромад олинмоқда.

— Меҳнат қилган ҳеч қачон кам бўлмади, — дейди М.Маматхонов. — Ишлаб ҳам даромад топасиз, ҳам саломат бўласиз. Чунки ҳамма ёмонликнинг ортида бекорчилик, дангасалик туради. Фарзандларимга доимо шунини таъкидлайман. Туманинг бошқа ҳудудига ҳам 1,9 гектарлик боғим, 30 бошга яқин қўй-қўзи, 10 бош сизир-бузоқларим бор. Бундан ташқари, маҳалламиздаги 15 нафар аёлни мавсумий иш билан таъминлаймиз.

«БИЗГА ИШОНЧ БИЛДИРИШДИ»  
«Дунёда номинг қорага чиқибди» дегани йўқ. Худди ҳамма қўлини бизгиз қилиб кўрсатаётгандек туюлаверди қишига. На ейиш-ичиш ва на ётиш-туришда ҳаловатинг бўлади. Бир марта адашиб қўйилган қадиминг алами йиллар давомида ҳаётингга раҳна солаверса, бундан ёмоний йўқ экан». Кўзда ёшу дилда ҳақ билан айтилган бу сўзларнинг қанчалар-қанчаси бугун қувончга эврилмоқда.

— Турли бузғунчи оқимга қўшилганларни рўйхатдан чиқаришнинг ўзи билан иш битмайди, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари Х.Матқаримов. — Уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминлаш, доимий даромад топишига ёрдам бериш масаласи ҳам эътиборимизда. Чунки инсон ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилса, атрофдагиларга меҳр кўзи билан қарай бошлайди, ҳаётга қизиқиши ортади. Шу мақсадда рўйхатдан чиқарилганлар билан тизимли ишларни амалга оширишни йўлга қўйдик.



Эҳтиёжга қараб, томорқадан унумли фойдаланиш учун дастлабки сармоини шакллантиришга ёрдам қилмоқдамиз. Парранда, қорамол олишига қўмаклашмоқдамиз.

Аъзамжон Тошматов (исми-шарифи ўзгаририлган) Корея Республикасига 2000 йилларда ўқинишга бориб, бу ердаги олий ўқув юртида тахсил олиш жараёнида билди-билмай турли диний экстремистик оқимлар аъзолари билан мулоқотга киришиб қолади. Ҳаётидаги бу ўзгаришлар Ўзбекистондаги ҳуқуқни муҳофазасида ишдорлари томонидан ўрганилиб, унга жиноий қидирув эълон қилинади.

Бундан хабар топган Аъзамжон Тошматов ўзи билан боғлиқ барча материалларни Ўзбекистон томонига тақдим этди. Аммо тайинли жавоб ололмаган, ватанга қайтмасликни ягона чора сифатида қабул қилди ва Кореяда меҳнатини давом эттирди.

У ўтган йили давлатимиз раҳбарининг диний эътиқод ва ҳуқуқлар бора-сидаги сиёсатидан хабар топиб, порталга хат билан мурожаат қилди. Шундан кейин уни қийнайдиган муаммо атрофича кўриб чиқилди ва она юртига қайтса, жиноий таъкиб қилинмаслигига ишончи ўйғонади. Иқтисод фанлари доктори бўлган йиғит нафақат диний оқимларга мансублик рўйхатидан чиқарилди, балки ундан мамлакат таракқиети учун ҳисса қўшиш борасида

тақлиф ва мулоҳазалар билан иштирок этиш имконияти яратилди.

— Очиғи, ўзга юртларда сарсон-саргардонликдан ортқ азоб-изтироб бўлмас керак. Икки нафар фаъуллар Кореяда турилди. Президентимизнинг хориждаги ёшлар ҳам Ўзбекистон таракқиети учун ўз илми, билими ва тажрибаси билан хизмат қилса, барча шароитларни муҳайё қиламан, деган мурожаати қалбимга қатта ўтди, — дея тўқилганини сўзлайди А.Тошматов. — Ватанимга қайтган, тергов жараёнида барча нарсага ойдинлик киритилди.

Ҳозир пойтахтдаги нуфузли олий таълим даргоҳида меҳнат қилаётган. Шу билан бирга инвестициялар бўйича давлат дастурлари лойиҳаларига жалб қилинганман. Таълим соҳасини такомиллаштириш бўйича ҳам лойиҳа тайёрлаётман. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга сидқидилдан ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

Дилдора РАҲМОНОВА,  
«ishonch» муҳбири

Фармон моҳияти



1990 йилда Хатирчи туманидаги биринчи фермер хўжалиги сифатида иш бошлаганимизда 40 гектар майдонда дехқончилик қилар эдик. Бугунги кунга келиб 83 гектар ерни ўзлаштирдик. Хўжалигимиз пахта, ғалла ва мева-сабзавот етиштириш билан бирга қоракўлчиликни ҳам йўлга қўйган. 2015—2017 йилларда 1 миллиард 570 миллион сўмлик даромад, 570 миллион сўмлик соф фойда олдик.

Қулайлик ва соғлом рақобат ютуқлар гарови

Хўжалигимизда 150 бош қорамол парваришланмоқда. Айни кунларда Германиядан яна 40 бош «Голштин» зотли қорамол олиб келиш таралди. Яқинда Навоий шаҳрида сутни қайта ишлаш цехи, «Биллур» кафесининг куриб ишга туширилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони янги режаларимизга қанот бағишлади. Унга мувофиқ 2018 йилда ҳар бир ҳудудда мева-сабзавот кластерлари барпо этилиши ва 2019 йилдан бошлаб мева-сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган барча туманларда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг кластер усули қўлланилишини ўқиб, курсанд бўлдим. Чунки эндиликда экспортга чиқариладиган маҳсулотларимизни сотиш янада осонлашди.

порт қилинади. Шунингдек, 4 гектар ерга гилос кўчатини ўтказдик. Аҳамиятlisi, бир гектар ерга пахта экиш ўрнига экспортга йўналтирилган гилосдан юз баробар ортик фойда олиш мумкин экан. Маҳсулотни кластер тартибиде тез ва ортикча чиқимларсиз экспорт қилиш имконияти яна бир қулайлик саналади. Дарҳақиқат, кишлоқ хўжалиги соҳасида кластер тартибининг жорий этилиши дехқон-фермер учун айти муддао бўлди. Хориз тажрибасидан маълумки, бу тизим соғлом рақобатни юзага келтиради. Худудни ривожлантириш учун кластерли тузилмаларни шакллантириш қўшимча иш ўринларини яратиш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, ваколатларини тақсимлаш, фермер ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолигини ошириш, ихтисодиётни диверсификация қилиш каби янги имкониятларни тақдим этади. Буни фаол фермерлар аллақачон тушуниб етган.

Хозир 3 гектар ерга экилган саримсоқпёздан тўрт тонна ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз. Маҳсулот ионб ойда Россия давлатига экспорт қилинади.

Маҳсуда НАЗАРОВА, «Назар бобо» фермер хўжалиги раиси, «Дўстлик» ордени соҳибаси

Амалий ёрдам

Сейфдаги ариза иш бермади

Урганч шаҳридаги 36-сонли «Олмабоғ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Н.Каримов ва йиғин масъул котиби М.Маткаримова ўртасида ўтган йили қиш ойларида бироз келишмовчилик юзага келди. — Ишлаш ёқмаётган бўлса, аризангизни ёзинг, — деди раис. Котиб ҳам жаҳл устида ариза ёзиб берди. Иш бор жойда тортишувлар бўлиши табиий. Раис ва масъул котиб ўртасидаги келишмовчилик узоқ чўзилмади. Ўзаро муро-сага келишиб, ишга шўнғиб кетишди. Бироқ узоқни кўзлаган раис масъул котибининг аризасини ҳар эҳтимолга қарши сейфига ташлаб қўйди. Орадан етти-саккиз ой ўтиб, раис «тўғри иш қилгани»га амин бўлди. Гап шундаки, 2017 йилнинг 11 сентябрида улар ўртасида яна келишмовчилик юзага келди.



Шунда маҳаллакўм сейфдан аризани олди-да, тагига шу куннинг санасини ёзди. Тезасига эса «Аризаси қаноатлантирилсин, ишдан бўшатилинсин» дея «муносабати»ни қайд этди. Шу куннинг ўзида М.Маткаримовани ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ тайёрланди. Буйруқда М.Маткаримованин аризаси ва маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси асос қилиб кўрсатилди. 12 сентябрь куни далолатнома тузилди. Унда баён этилишича, М.Маткаримова ишдан бўшатирилгани ҳақидаги буйруқ билан таништирилган, у эса буйруқдан бир нусха олгани ҳолда буйруқ билан танишгани тўғрисида имзо чекишдан бош тортган.

Шундан сўнг, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судга ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган вақти учун иш хақи ва маънавий зарар ундириш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилди. Суд аризани қаноатлантириди. 2017 йил 30 октябрдаги хал қилув қарори билан «Олмабоғ» маҳалла фуқаролар йиғинининг 2017 йил 11 сентябрдаги 4-сонли буйруғи ғайриқонуний деб топилди. М.Маткаримовани ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган вақти учун 1 056 500 сўм, етказилган маънавий зарар учун 400 000 сўм ундириш ҳақида хал қилув қарори қабул қилди.

нинг ушбу хал қилув қарорини бажаришни истамади. Апелляция тартибиде судга шикоят аризаси берди. Қайта кўриб чиқилган суд мажлисида 2017 йил 30 октябрдаги хал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди. Ҳозирда М.Маткаримова ўз иш фаолиятини давом эттирмоқда. Бу каби ҳолатлар кўпчилик иш берувчилар меҳнат қонуничилигини яхши билмасликларини кўрсатмоқда. Шу боис касаба уюшмалари томонидан бошлангич касаба уюшма кўмита раислари ва иш берувчиларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида режа асосида корхона, ташкилот ва муассасаларда амалдаги меҳнат қонуничилигига оид меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилишга доир қўллаб семинар талбирлари уюштирилмоқда. Улар келгусида ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Хуқуқшунослар дастлаб муаммони ўзаро келишув асосида ҳал этишга ҳаракат қилишди. Маҳалла фуқаролар йиғини раисига қонун талаблари тушунирилди. Жумладан, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ Меҳнат Кодексининг 99-моддасига зид равишда чиқарилгани билдирилди. Бироқ вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг тақдимномаси рад этилди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси суд-юрисконсулти

Миркомол БОЛТАЕВ,

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси-етакчи юрисконсулти

Анжуман

Кўп қаватли уйларда яшаётган аҳолининг ширкатлар фаолиятидан унчалик қониқмаётганлиги ҳақидаги гап-сўзлар тез-тез қулоққа чалиниб туради. Бугунги кунда республикамиз бўйлаб 33 415 тадан ортик кўп қаватли уй-жойлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳолати мазкур уйларга мутасаддилар қилишни зиммасига олган 4 488 та ширкатга боғлиқ. Зеро, тизимда йиғилиб қолган муаммоларни бартараф қилиш вақти келди.

Давлат идоралари халққа хизмат қилади

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тубдан янгилаш, такомиллаштириш, иш сифатини ошириш ва молиявий-иқтисодий барқарорлигини тиклаш ҳамда аҳоли розилигини таъминлаш борасида белгиланган чора-тадбирлар» мавзусида мулоқот бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномасида ширкатлар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш борасида вазифалар белгилаб берилган эди. — Айтиб ўтиш керакки, дастур юзасидан жорий йилда 2017 йилга нисбатан қарий икки баробар кўпроқ ишлар бажарилади. Бунда худудларда жойлашган кўп қаватли уй-жойларини намунавий шаклга келтириш концепцияси асосида амалга оширилиши лозим бўлган қўшимча иш турларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири ёрдамчиси Алипошша Аҳмедов. — Биринчи навбатда, ажратилаётган имтиёзли кредитлар уйларнинг том ва фасадлари, шунингдек, уйлар олд қисмидаги йўлакларни таъмирлаш, ертўлаларни тартибга келтириш ва болалар майдончалари қурилишига йўналтирилади.

Нозима УМАРОВА, «Ishonch» муҳбири

Кўприк

ЖАВОБ КУТАЁТГАН САВОЛЛАР

Тахририятимиз навбатдаги «Жавоб излаётган саволлар» саҳифасини эълон қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Фуқаролардан келиб тушаётган савол ва мурожаатлар сараланмоқда. Аввалги мурожаатларга тегишли идораларнинг муносабати билан газетамиз орқали танишиш имконига эга бўлмоқдасиз. Дарвоқе, қонунда белгиланган муддатларда фуқароларнинг ОАВ орқали йўлланган мурожаатларига жавоб йўлламаган идора ва ташкил етлар рўйхати ҳам эълон қилинади. Бугунги сонда Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Дори-дармон» АЖ мутасаддиларининг саволларга жавоблари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

UZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI MINISTRY OF PUBLIC EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN O'zbekiston, Toshkent shahar, 100159, Mustaqillik maydoni, 5 Tel.: (99871) 239-13-10, faks: 239-19-34, web-site: www.uzedu.uz, e-mail: info@xtv.uz

«26» март 2018-yil 03-03/1-2-633-sonli "Ishonch" va "Ishonch-Doverie" gazetalariga taхририyatiga

Сизнинг 2018 йил 17 мартдаги 27-сонли хатингизга Халқ таълими вазирлиги Сизнинг мурожаатингиз бўйича қуйидагиларни маълум қилади. Вазирликнинг 2013 йил 28 февралдаги 74-сон буйруғи билан тасдиқланган «Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларнинг одоб-ахлоқ қондалари» ҳамда мактаб «Устави»га мувофиқ ўқувчилар таълим муассасасига мактаб формасида келиши мажбурийлиги белгилаб қўйилган. Хусусан, бугунги кунда умумтаълим мактаблари учун қуйидаги умумий талаблар ишлаб чиқилган: Ўғил болалар мактаб формаси: тўқ рангли шим, оч рангдаги кўйлак, тўқ рангдаги костюм, галстук, улар бежирим андозада тикилган, тоза ва дазмолланган бўлиши керак. Қиз болалар мактаб формаси: тиззадан юқори бўлмаган тўқ рангдаги юбка ва оч рангдаги кофта, тўқ рангдаги костюм - сито, бежирим, ўта тор ёки кенг бўлмаган, ортикча безаклардан холи ва ранг-баранг бўлмаган, тоза ҳамда дазмолланган бўлиши лозим. Ҳар бир умумтаълим мактаби юқориде келтирилган умумий талабларга амал қилган ҳолда педагогик жамоа ва ота-оналарнинг фикрини инобатга олиб, мактаб ўқувчиларининг формаси ранги ва дизайнини мустақил равишда танлайди.

Вазир ўринбосари Д.Кенжаев

Маслаҳатликлар ҳам сарсон

«Ishonch» газетасининг шу йил 17 март 33-сонидеги «Жавоб излаётган саволлар» саҳифасида чоп этилган «Туман марказига дори излаб...» сарлавҳали мактубни Андижон вилояти, Олтинқўл туманидаги Маслаҳат қишлоғида яшовчи аҳоли «худди бизнинг қишлоғимиз ҳақида ёзилгандек», дейишмоқда.

Фуқаролардан бирининг фарзанди оғир операцияни бошидан кечирди. Қасалхонада ётиб чиккач, қолган муолажаларни уйида давом эттирадиган бўлди. Баъзан жуда зарур дорини ярим тунда қидиришга тўғри келади. Дори эса беморга ниҳоятда зарур. Нима қилиш керак?

Маслаҳат қишлоғидан туман марказигача қарий 10 чакирим, Андижон шаҳригача ҳам шунча масофа йўл босилади. Худди Пискентнинг Саидобод қишлоғидан юборилган мактубдаги каби машинаси бор қўшниларни ярим тунда безовта қилишга тўғри келди. Икки соат легенда шаҳар марказидаги тунда ҳам ишлайдиган дорихонадан дори топилиди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Дарвоқе, шу қишлоқда «Дори-дармон» акциядорлик жамияти Андижон вилояти бўлими раҳбари ҳам истико-мат қилар экан. Хўш, худудда дорихона ташкил қилиш кийинми ёки «Шу ишни мен эплайма», дейдиган талбиркор-фармацевт топилмаётгани? Мактуб муаллифи жуда тўғри муаммони кўтарган. Дарҳақиқат, кишлоқларда туну кун ишлайдиган дорихоналар ташкил қилиниши зарур. Маслаҳатликлар газетода босилган мактубдан руҳланиб, «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлади», деб ният қилишяпти.

Н.НУЪМОНОВ

OLY VA URTA MAKSUS TA'LIM HAMDA XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI VAZIRLARI ETIBORIGA! O'quvchi libosini qanday b'lishi kerak? In'terpret shirklari va iktimoniy tashkilotlari kuzlarida talim muassasalarida ruyxat berish masalasi keng tuzuk...

Toshkent viloyati "DORI-DARMON" Aktsiyadorlik Jamiyati 100031, Toshkent sh. Yusuf Xon Xo'jayev ko'chasi, 28 Tel.: (371) 256-37-43, 256-41-59

Joint-Stock Company Tashkent Viloyati "DORI-DARMON" Yusuf Xon Xo'jayev ko'chasi, 28 Toshkent sh., 100031, Tel.: (371) 256-37-43, 256-41-59

Sizning 2018 йил 17 мартдаги №24 сонли хатингизга жавобан Тошкент вилояти Пискент тумани Саидобод қишлоғида яшовчи аҳолиси учун жамиятга қарши «Салд» кишлоқ оилавий поликлиникасида жойлашган шаҳобча орқали аҳолига 8-00дан 20-00гача хизмат кўрсатишни маълум қилимоқ.

Долзарб мавзу



Хузурида 45 ёшлардаги аёл ёнида қизи билан бошини эгиб ўтирибди. — Доктор, илтимос, қизимнинг фарзанд кўришига ёрдам беринг, оиласи бузилиб кетмасин. Келинчақ эндигина 18 ёшда бўлса-да, уч марта ҳомиласидан айрилган. Оиласидагилар бу ҳолат яна такрорланишидан хавотирда. Маълум бўлишича, қиз ўн еттига тўлиб-тўлмайд турмушга чиққан. Бу пайтда у коллежнинг учинчи босқичида таҳсил олаётган бўлган. — Нега бунча шошилдингиз? — деб сўрадим онасидан. — Қудда томон қўймади. Кекса бувиси бор экан, неварамнинг тўйини кўрай дебди. Дадасининг оғайниси эди. Биз ҳам рози бўлаверибмиз. Бундай бўлишини билганимизда, асло кўнмас эдик.

«Шошманг, ўйлаб кўринг!..»

ёхуд эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ асоратлари

Мен шифокорлигим боис туйгуларимни ичимга ютган ҳолда онага қизини эрта турмушга бериб катта хато қилганини тушунтирдим. Бўлажак она фарзандини қўлига эсон-омон олиши учун бор касбий маҳоратимни ишга солдим. Аёл неваралик бўлди. Гарчи муаммо ижобий ечим топган бўлса-да, бу воқеа ҳаёлимдан кўп вақтгача кетмади. Чунки бу эрта никоҳ билан боғлиқ биргина муаммо эмас. Эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ кўплай ижтимоий, маънавий, иқтисодий, тиббий муаммоларни келтириб чиқаради. Бунга мисоллар ҳам етарли. Бугунги кунда қайси даврада бўлмай, ким билан суҳбатлашмай, албатта, ушбу мавзуга тўхташ керак. Бундай никоҳнинг салбий оқибатларини мисоллар ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қиламан.

равийида амалга ошишига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли ёш турмуш курган аёлларнинг фарзандлари жароҳлик амалиёти орқали дунёга келтирилади. Она қорнида сует ривожланган чакалоқларнинг вази анча кам бўлади ва афсуски, уларнинг аксарияти узок яшайди. Бу эса ёш онанинг руҳиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Булар саломатлик билан боғлиқ муаммолар. Эрта турмуш курганларнинг аксарияти коллеж ўқувчилари экани уларнинг ўқишга тўлиқ қатнаша олмастлигига сабаб бўлади. Демак, бундай қизлар эртага ўзлари ниёт қилган касб-хунарининг этагидан тута олмайди. Орзулари саробга айланади. Ҳали ёш бўлгани туфайли рўзгор тутишни яхши билишмайди. Оқибатда қайнонадан дакки эшитилади. Ота уйда эрка ўсган қиз таъна-дашиномларга чидай оладими? Ҳар доим ҳам эмас. Натижада оилавий можаролар юзага келади. Эрта никоҳ оиланинг эрта дарз кетишига сабаб бўлиши мумкин.

гоҳ сари бошлар эканмиз, уларнинг маънавий, тиббий, ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан тайёргарликларини инобатга олишимиз шарт.

— Дўхтир, илтимос, неварам соғлом туғилсин. Катта неварам касалманд. Илтимос... Хузурида саргайиб ўтирган отахонга қандай жавоб қайтарай? Тўғри, тиббиёт тобора ривожланмоқда. Бундан беш-ўн йил аввал имконсиз туюлган муолажалар амалиётга татбиқ қилинмоқда. Аммо... ҳали тиббиёт қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларига ечим топгани йўқ. Бундай оқибатнинг олдини олишнинг ягона йўли — унга йўл қўймасликдир.

Бугунги кунда скрининг текширувлари натижалари шуни кўрсатмоқдаки, болалардаги турли хил нуқсонлар, айниқса, асаб тизими ва генетик нуқсонлар айнан қариндошлар ўртасидаги никоҳ туфайли юзага келаётган. Бунинг олдини олиш учун, аввало, ота-оналар етарли тиббий билим ва тушунчага эга бўлиши лозим.

Аммо айримлар қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини кўра-била туриб, шошма-шошарлик ва ўзбошимчилик билан қарор қабул қилишади. «Мол-мулким бегонага қолмасин», «Қариндошлик ришталари узилмасин» қабилидаги нотўғри ёндашув кишини боши берк кўчага бошлайди. Фарзанд ногирон туғилса, пешона тери эвазига тўплаган мол-мулк унинг саломатлигини муҳофаза қилиш учун сарф бўлади. Шу ўринда уларга қарата шундай дегим келади: Мулкнингизни бошқаришга лаёқати бўлмаган меросхўрдан кўра бегона билан қариндошлик ришталарини боғлаган, соғлом фарзандлар, соғлом неваралар кўриб, наслингизнинг давом қилишидан кўпроқ манфаатдор бўлмайсизми? Етмиш-саксон фоиз қариндошлар ўртасидаги никоҳ натижасида носоғлом фарзандлар дунёга келади, оилалар ўртасида соғломлик пайдо бўлади, ёш келин-куёв руҳий тушкунликка тушиб қолади. Кимнингдир ўйламай қилган хатоси туфайли ёш оилалар бузилиб кетади, келин-куёвларнинг ҳаёти издан чиқади.

Мамлакатимизда оила институтини мустахкамлаш, шунингдек, унинг нуфузини ошириш, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва соғлом фарзандни дунёга келтириш ма-



Меҳрибон ЮСУПОВА, тиббиёт фанлари доктори, профессор

салаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бирок қариндошлар ўртасида никоҳ ва кизларни эрта узатиш ҳолатлари қузатилаётгани гоят ачинарли. Чунки улар тўғрилик имкони бўлмаган салбий оқибатларга олиб келади. Бу эса мазкур масалага янада теранроқ назар ташлаш, янада масъулиятлироқ ёндашиш лозимлигини кўрсатади.

Соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни муҳим ва бетакрордир. Инсон саломатлиги ва маънавий камолотининг биринчи пойдевори оилада қўйилади. Жамият ривожланиб, маънавий омилланинг ижтимоий тарққатидаги ўрни ва аҳамияти ортган сари оиладаги тарбия ва эътибор ҳам кучаяди.

Қизларнинг оиладаги ўрни катта. Чунки аёл суюкли ёр, меҳрибон она. Шунинг учун ҳам кизларни эрта турмушга бериш ўрнига уларни ўқитиш, хунар ўргатиш зарур. Опа-сингил, ака-ука билан қўлиб, қариндошлик ришталарини мустахкамлашдан деганлар адашади. Қариндошлик ришталари қудачилик билан эмас, меҳр-оқибат орқали мустахкамланади.

Кўнгил манзаралари

Санобар МЕҲМОНОВА, Бухоро вилоятининг Жондор туманида туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тамомлаган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Шейрлари республика матбуотида эълон қилинган. «Яшил ибодатлар» ва бошқа шеърӣ тўпламлар муаллифи.



Ошиқлик муборак, Шамс Табризим

Никоҳлар пичирлар бир қадим зорни, Эй, менинг балоқаш ошубта кезим. Бизга бу савдолар муборак энди, Ошиқлик муборак, Шамс Табризим.

Дунёни аланга ичига олдиқ, На ақл қолдиқ, на бирор сезим. Оламга шўришу гавголор солдиқ, Маъшуқлик муборак, Шамс Табризим.

Кимлардан қолмаган бу қадим жузун, Бунча жовдирайсан кўкларга, кўзим. Муборак бўлсин бу ҳолатлик фўнун, Қўшиқлик муборак, Шамс Табризим.

Биздан қолиб кетар дунёга алам, Художон, бер унга биз учун тўзим. Тиз чўк пойимизга, эй муқаддас гам, Ошиқлик муборак, Шамс Табризим.

Қонларимга ташна қилди бу фироқ, Келар бўлсанг, келгин энди, хунрезим. Бунчалар гўзалсан, эй, гўзал қийноқ, Маъшуқлик муборак, Шамс Табризим.

Ҳол билан савдоникоҳлик қўйдим, Жузуни бошимга чиққан шу кезим. Ишқ билан гавгони никоҳлик қўйдим, Ошиқлик муборак, Шамс Табризим.

Китобимни томошо қил

Бу тун мани қаро қилди, Мани мандин жудо қилди. Дил инграб илтижо қилди — «Азобимни томошо қил!»

Кетар бўлсам, жонимда ишқ, Қолар бўлсам, ёнимда ишқ. Шу Ишқ хайратида тузган — Китобимни томошо қил!

Ёғдуманам рўзга инган, Ҳофизманам сози синган. Кўнглини торидан йўнган — Рубобимни томошо қил!

Азал-абад девонаман, Бу дунёга бегонаман. Санобари-вайронаман, Харобимни томошо қил!

Шаҳдинг йўқдир, шаҳдман магар, Бошдин-аёқ вақтман, магар. Маним ўзим бахтман магар — Итобимни томошо қил!

Умид бер, эй умид узган, Муродинг нақд, дилим сезган. Кўзинг косасига сузган — Шаробимни томошо қил.

Бу тун мани қаро қилди, Мани мандин жудо қилди. Дил инграб илтижо қилди — Азобимни томошо қил!

Шу гамлар мулкида тузган — Китобимни томошо қил!



«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ МУТАХАССИСИ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловини эълон қилади.



Танловда қасаба уюшмасига аъзо турли соҳаларда фаолият юритаётган 35 ёшгача бўлган ёш мутахассислар «Энг фаол ёш банк ходими», «Энг фаол ёш ипакчилик саноати ходими», «Энг фаол ёш ички ишлар ходими», «Энг фаол ёш курувчи», «Энг фаол ёш олим», «Энг фаол ёш тарбиячи», «Энг фаол ёш транспортчи», «Энг фаол ёш фермер», «Энг фаол ёш шифокор», «Энг фаол ёш авиаходим», «Энг фаол ёш геолог», «Энг фаол ёш дастурчи», «Энг фаол ёш кимёгар», «Энг фаол ёш кончи», «Энг фаол ёш машинасоз», «Энг фаол ёш металлург», «Энг фаол ёш нефтьгаз саноати муҳандиси», «Энг фаол ёш темирўлчи», «Энг фаол ёш электротехник», «Энг фаол ёш энергетик» йўналиш-номинациялари бўйича

иштирок этиши мумкин. Талабгорлар танлов номинацияси номини кўрсатган ҳолда ўзи меҳнат қилаётган корхона қасаба уюшмаси қўмитасига тегишли ҳужжатларни тақдим қилади. Танлов уч босқич, яъни корхона, ташкилот ва мутасаса (туман, шаҳар)лар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда республика босқичида тармоқлар миқёсида ўтказилади. «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ғолиблари орасидан сараланган мутахассис, яъни янги ишланма ва лойиҳаларига эга бўлган, лойиҳаси самараси мамлакатимиз иқтисодиётига ҳисса қўшадиган, ижтимоий-сиёсий фаол бир нафар ёш мутахассис қасаба уюшмаларининг гранти билан тақдирланади. Тан-

ловда ҳар бир йўналиш бўйича ғолиблар Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳамда бошқа ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотланади.

Ғолибларга мукофотлар жорий йилнинг август ойида ташкил этиладиган «Ёш мутахассислар» V республика форумида тантанали равишда топширилади.

Танлов ҳақидаги маълумотлар билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг интернет тармоғидаги [www.kasaba.uz](http://www.kasaba.uz) портали орқали танишишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 71) 252-78-39, 256-76-57.

Табақларингизга биноан. «Ishonch» газетаси 2018 йилнинг апрелдан сўғувга чиқарилди.

Publication information including contact details for the publisher, subscription rates, and distribution points across various regions.